

**КИНОҚИССАДА МАЪНАВИЙ МАСЪУЛИЯТ ВА ХОТИРА
ПОЭТИКАСИ (ЭРКИН АЪЗАМНИНГ “ҚАРЗДОР” ВА “БАҲОРНИ
ҚУВИБ” КИНОҚИССАЛАРИ МИСОЛИДА)**

Обиджон ШОФИЕВ

мустақил изланувчи
филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Термиз давлат университети
Термиз, Ўзбекистон

e-mail: shofiyev@mail.ru

ORCID: [0000-0003-4100-7076](https://orcid.org/0000-0003-4100-7076)

Аннотация

Мақолада Эркин Аъзамнинг “Қарздор” ва “Баҳорни қувиб” киноқиссалари мисолида замонавий ўзбек насрида маънавий масъулият, қариндош-уруғчилик муносабатлари, хотира феномени ҳамда инсон ички дунёси поэтикаси бадий-эстетик жиҳатдан таҳлил қилинади. Тадқиқотда Баҳром ва Роҳат опа образлари орқали шахсий тақдир ва ижтимоий муҳит ўртасидаги мураккаб ўзаро боғлиқлик очиқ берилади.

Таянч сўзлар: Эркин Аъзам, киноқисса, маънавий масъулият, хотира поэтикаси, ички монолог, рамзий детал, миллий қадрият, жанр поэтикаси, инсон тақдири, фидойилик.

**ПОЭТИКА НРАВСТВЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ И ПАМЯТИ В
КИНОПОВЕСТИ (НА ПРИМЕРЕ КИНОПОВЕСТЕЙ ЭРКИНА
АЪЗАМА «ҚАРЗДОР» И «БАҲОРНИ ҚУВИБ»)**

Обиджон ШОФИЕВ

независимый исследователь
доктор философии по (PhD) филологическим наукам
Термезский государственный университет
Термиз, Узбекистан

e-mail: shofiyev@mail.ru

ORCID: [0000-0003-4100-7076](https://orcid.org/0000-0003-4100-7076)

Аннотация

В статье на материале киноповестей Эркина Аъзама «Қарздор» и «Баҳорни қувиб» рассматриваются художественно-эстетические особенности поэтики нравственной ответственности, феномена памяти и внутреннего мира человека в современной узбекской прозе. Через образы Баҳрома и Роҳат опа анализируется сложное взаимодействие личной судьбы и социальной среды.

Ключевые слова: Эркин Аъзам, киноповесть, нравственная ответственность, поэтика памяти, внутренний монолог, символическая деталь, национальные ценности, жанровая поэтика, судьба человека, самоотверженность.

Эркин Аъзамнинг “Қарздор” киноқиссаси ўқувчини ҳаётга теран мушоҳада билан қарашга ундайди. Асарда қишлоқ ҳаёти, ундаги одамларнинг кундалик дарду ташвишлари, орзу-умидлари бадиий манзаралар орқали ифодаланган. Бош қаҳрамон Баҳром касбига кўра муаллим бўлиб, иқтисодий эҳтиёж тақозоси билан бўш вақтларида “ўттиз йиллик” “Жигули”сида киракашлик қилади. Қаҳрамоннинг ҳаёт тарзи ва қабул қилаётган қарорлари унинг шахсий манфаатлардан кўра оила, қариндош-уруғ ва ёру биродарлар олдидаги масъулиятни устун қўяётганини намоён этади. Айни шу маънавий бурч туйғуси уни ўз келажак орзу-интилишларидан ҳам маълум маънода воз кечишга мажбур этган. Бу ҳолат Баҳромнинг шоир синфдоши билан бўлган суҳбатида яққол намоён бўлади:

“ – Синфда зўримиз сен эдинг ўзи. Аспирантурани ташламаганингда, бизга ўхшаганларга нон йўқ эди-я!

– Бобой ётиб қолдилар-да. Қарашадиган одам йўқ. Ака ўзи билан, ана ўзи билан. Кейин – армия, уйланиш ташвиши. Бу ёғи уланиб кетди-да, бўлмади” [1; 88].

Баҳром образи асарда замонавий ўзбек жамиятидаги маънавий-ахлоқий қадриятларни ўзида мужассам этган қаҳрамон сифатида талқин этилади. Унинг ҳаёт позицияси, шахсий танловлари ва атрофдагиларга бўлган муносабати орқали муаллиф инсоннинг жамият олдидаги масъулияти, қариндош-уруғчилик, ҳамжиҳатлик ва фидойилик каби тушунчаларни бадиий-эстетик даражада ёритишга эришади.

Баҳром ўз акаси Баҳриддиннинг Россияда муваққат меҳнат муҳожирлигида юриб, оиласи ва фарзандларидан узоқлашиб қолган ҳаёт тарзидан чуқур хавотир олади. Шу боис у акасини рўзғор бошига, оила бағрига қайтаришга интилади. Жияни Кунтуғмишнинг шахмат бўйича иқтидорини қўллаб-қувватлаб, уни пойтахтда ўтадиган олимпиадага жўнатар экан, *“энди сенинг ютмоқдан бошқа чоранг ҳам йўқ, жиянбой...” [1; 111]* деган гапи орқали, аслида, оилавий масъулият юки энди сенинг зиммангда, отангдан эса умид кам, деган маънони билвосита ишора қилади.

Баҳром нафақат ўз акаси, балки кенгроқ маънода бутун қариндош-уруғ, қўни-қўшни ва ҳамқишлоқларининг турмуш ташвишларига бефарқ эмас. Опасининг турмуш ўртоғи масъулиятсизлик билан чойхонада вақтини ўтказиб юрган бир пайтда, у жиянининг ўқиши учун контракт маблағини тўлаб беради. Фарзандлари топарман-тутарман, ўзи нафақада бўлишига карамай, нафс домига тушиб киракашлик қилиб юрган тоғасининг ҳам корига ярайди. Аммасининг дори-дармонидан доим хабардор бўлиб юради. Шунингдек, ҳамқишлоқ бухгалтер қўшнисининг ҳисобот ишларини юқори ташкилотларга етказиб беришда ёрдамлашади, ҳатто айрим ҳолларда майда мансабдор шахслар олдида ўзини паст олиб, адолатсиз тўсиқларни енгишга ҳаракат қилади. Шу билан бирга, у киракашлик фаолиятида ҳам инсоф ва ҳалоллик тамойилларига амал қилиб, қишлоқдошларига ён босиб юради. Қолаверса, шоир синфдош дўстининг онасидан хабардор бўлиб туриш ҳам унинг гарданида. Бу ҳолатлар қаҳрамон учун моддий манфаатдан кўра маънавий бурч устувор эканини яққол намоён этади.

Ўттиз беш ёшли Баҳром ҳаётнинг барча оғир юкини елкасига олгандек тасвирланади. Гўё атрофдагиларнинг барча ташвишлари унинг бўйнига юклатилгандек туюлади. Бироқ унинг ҳам ўзига хос дарду дунёси, ички изтироблари ва қалб оғриқлари мавжуд. Айнан шу лавҳада қаҳрамоннинг бутун ички драматизми, яширин дарду ҳасрати очилади:

Мазкур парчада Баҳром образининг ички руҳий зўриқиши энг юқори чегарага етиб, онаси билан бўлган мулоқот жараёнида очиқ ифода касб этади. Қаҳрамон нутқининг кескин, ҳатто дағал тус олиши тасодифий эмас, балки узоқ вақт мобайнида йиғилиб келган эмоционал чарчоқ, ижтимоий босим ва ортиқча маънавий мажбуриятлар натижасида юзага келган психологик ҳолатнинг очиқ ифодага чиқиши сифатида талқин этиш мумкин.

Асарнинг энг драматик ва муҳим нуқталаридан бири амманинг Баҳриддинни узоқ юртдан олиб қайтиши, фарзандларига оталик қилсин, оила бутун бўлсин деган ният билан ўлимликка йиққанини Баҳромга онаси орқали юбориши билан боғлиқ лавҳадир. Мазкур ҳолат орқали муаллиф қариндош-

уруғчилик муносабатларининг ўзбек жамиятидаги ўзига хос ахлоқий моҳиятини очиб беради. Оғир дамларда ёнида туриш, қондошликни энг юксак қадрият сифатида қабул қилиш, оила бутунлигини сақлашга интилиш каби фазилатлар асарда миллий характер белгиси даражасига кўтарилади. Шу жиҳатдан, ушбу лавҳа нафақат асар сюжетининг кулминацион нуқтаси, балки ўзбекчилик, миллий қадрият ва менталитетнинг бадиий ифодаси сифатида ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, Эркин Аъзамнинг “Қарздор” киноқиссасида яратилган Баҳром образи замонавий ўзбек жамиятидаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мужассам этган мураккаб ва серкирра қаҳрамон сифатида намоён бўлади. Унинг фидойиликка асосланган ҳаёт тарзи, қариндош-уруғ ва жамоа олдидagi масъулиятни шахсий манфаатдан устун қўйиши ички рухий зиддиятлар билан уйғун ҳолда тасвирланади. Шу билан бирга, амма образи ва қондошлик муносабатлари орқали ўзбекчилик, миллий характер ва оила бутунлигини сақлашга қаратилган қадриятлар бадиий жиҳатдан асосланади.

Эркин Аъзамнинг яна бир киноқиссаси “Баҳорни қувиб” “Шарқ юлдузи” журналининг 2023 йил 6-сонидa эълон қилинган. Мазкур киноқисса муаллиф қаламига хос равишда нафақат рухий-туйғу билан бойитилган, балки ижтимоий-хотиравий таъсирни ҳам мужассамлаштирган асарлардандир. Асарда шахсий тақдир билан тарихий воқелик ўзаро чатишиб, инсон руҳиятида қолган излар бадиий таҳлил марказига олиб чиқилади. Унда инсон хотираси ва ҳаётий йўлининг энг ноёб, энг оғриқли нуқталари бадиий образ орқали очиб берилган.

Асар қаҳрамони Роҳат опа асар давомида ёшлик хотираларини излаб, 35 йилдан сўнг Арчали қишлоғига қайтиб келади. Бу қайтиш, аслида, оддий жўғрофик ҳаракат эмас, балки маънавий сафардир. Муаллиф бу орқали хотира феноменига мурожаат қилиб, ўтмишни қайта англаш инсон маънавий етилишининг муҳим босқичи эканини кўрсатади. Мактабга йўлланма билан ўқитувчи сифатида юборилган, содда ва самимий муҳити билан унутилмас из қолдирган қишлоқ унинг муҳаббати ва мафкуравий зўравонлик ўртасидаги

кесишган манзили бўлган. У мактабдаги ҳамкасби Қудрат Рамазонга муҳаббат қўяди. Аммо партия ташкилотчиси Ваҳоббой Ҳожиқуловнинг (Ҳожи Маркс) иғвоси сабабли, у нафақат муҳаббатидан, балки обрўсидан, ишидан ва ўзи танлаган ҳаёт йўлидан маҳрум қилинади. Мазкур эпизод орқали асарда мафкуравий тизимнинг инсон шахсиятига нисбатан бефарқ ва шафқатсиз муносабати очиб берилади. Бу ҳолат Эркин Аъзамнинг мураккаб, бир қарашда оддий туюлувчи ҳаётӣй воқеликлар ортидаги мафкуравий зулм, кўзга кўринмас руҳӣй зўравонликни фош этишга уринишидир.

Асарнинг кульминацион нукталаридан бири Роҳат опанинг Қудрат Рамазоннинг набираси ёш Роҳатой билан учрашувидир. Ушбу учрашув қалбӣй алоқалар узилмаганини, муҳаббатдан қолган эзгулик ҳаётда яна бошқа шаклда намоён бўлишини англатувчи, рамзий ва руҳӣй жихатдан юксак нукта ҳисобланади. Қудрат Рамазон вафот этган, аммо унинг набираси орқали ҳаёт давом этмоқда, муҳаббатнинг ижобӣй таъсири яна яшамоқда. Бу ҳолат асарда вақт ва авлодлар ўртасидаги маънавий узвийлик ғоясини мустаҳкамлайди. Роҳатой тимсолида муаллиф ёш авлод вакиллари қалбидаги софлик, иззат ва ўтмишга нисбатан эҳтиромни уйғотади.

Киноқиссада Роҳат опанинг Арчали қишлоғига қайтиши билан боғлиқ эпизодлар хотира ва маънавий қониқиш масаласини чуқур очиб беради. Қаҳрамон ўтмишга қайтиш орқали ўз қалбини тинглайди, хотиралар билан юзлашади ва иллюзиядан холи ҳолда ҳаётига назар ташлайди. Муаллиф хотирани романтиклаштирмайди, балки уни инсон руҳиятини синовдан ўтказувчи ички механизм сифатида талқин қилади. Бу ҳолат ички монолог орқали ифодаланади:

“Неча йиллар юра-юра нега келдинг бу ёқларга?.. Кейинги вақтларда мана шу дўнглик, мана шу ёлғиз арчани, ўша ойдин кечани тез-тез эслайдиган, қўмсайдиган бўлиб қолган эдинг. Тушингда ҳам, ҳушингда ҳам. Яна, баҳор чоглари пастак томлари лолақизгалдоққа бурканадаиган уй-уйчалар кўз олдингдан кетмай қолди... Мана, келдинг ҳам, кўрдинг ҳам: ўша-ўша дўнглик, ўша-ўша Якка арча, ўшандай моҳтоб кеча, баркаш мисол ой...

Хўш, нима бўлди, шохинг чиқдими? Йўқ, ҳеч нарса! Кўнгилда ҳатто анчайин бир ҳаяжон, энтикиш ҳам йўқ... Ҳа, унда ҳамроҳинг бошқа эди. Эсингдадир, дўнгга чиқаётганда ҳам, дўнгдан тушаётганда ҳам юрагингинг дукиллашти тинмаган. Кейин умрингда ҳеч бунақа ҳузур, бунақа ҳаловат туймадинг, ҳеч! Ўшаларни қўмсаб келгансан асли...” [2;57].

Ушбу парчада хотира ва реал воқелик ўртасидаги фарқ очик кўринади. Қаҳрамон ўтмишни қўмсаб келган бўлса-да, унинг такрорланмаслигини, ҳақиқий бахт муайян замон ва ҳолат билан боғлиқ эканини англайди. Бу англаш жараёни орқали қаҳрамон руҳий иллюзиядан халос бўлиб, ҳаётни борича қабул қилиш даражасига етади. Шу орқали асар хотиранинг инсон руҳиятига таъсири, кечирилмаган ўтмишнинг маънавий юк сифатида намоён бўлиши ҳақидаги фалсафий хулосага олиб келади. Бу ҳолат қаҳрамон учун ички хотиржамлик ва маънавий катарсис нуқтаси сифатида намоён бўлади

Бу қисмда Эркин Аъзам хотира ва истиқбол, ўтмиш ва келажак ўртасидаги боғланишни бадий-фалсафий жиҳатдан очиб беради. Асарда ижтимоий-мафкуравий босим туфайли узилган муҳаббат қаҳрамон ҳаётида ҳал қилувчи из қолдирган бўлса-да, у фақат изтироб манбаи сифатида эмас, балки ўтмишни қайта англашга етакловчи йўл сифатида намоён бўлади. Қаҳрамон тақдири фожиавий йўналишда кечган бўлса-да, у ўтмиш билан ҳисоб-китоб қилиш, уни қабул қилиш ва ҳаётга нисбатан муносабатни қайта белгилаш жараёни билан якун топади. Муаллиф инсон бахтини амалга ошмаган орзулар билан эмас, балки уларни англаш ва кечири олиш қобилияти билан боғлайди. Ана шу англаш нуқтаси асарда қаҳрамон учун катарсис вазифасини бажаради.

Асадаги бадий воситалар – ички монологлар, хотиралар билан суҳбатлар, табиат манзаралари ва символик деталлар орқали ёритилган драматизм киноқисса жанрига хос эстетик талаблар билан уйғунлашади. Таъбир жоиз бўлса, асарнинг ҳар бир қисми кинематографик кадр сифатида намоён бўлади. Бу ҳолат асарни нафақат ўқиш, балки тасаввур қилиш орқали қабул қилиш имконини ҳам беради. Муаллифнинг ҳикоялаш услубидаги

лаканизм, ифодадаги тиниқлик, ҳиссий динамиканинг мувозанатли тарзда акс эттирилиши унинг ёзувчилик маҳорати ва киноқисса жанридаги етук ижодкорлигини яққол кўрсатади.

“Баҳорни қувиб” киноқиссаси инсон хотираси, шахсий тақдир ва кечирилмаган ўтмишнинг инсон руҳиятига кўрсатган таъсири ҳақидаги кенг камровли адабий-фалсафий мулоҳазани ифода этади. Роҳат опа образи орқали Эркин Аъзам нафақат бир аёл тақдирини, балки муайян тарихий тузум шароитида шаклланган бутун бир авлоднинг ҳаётий тажрибасини бадий таҳлил қилади. Асарда инсон қадри, муҳаббат ва хотира шахсий ҳаётни белгилаб берувчи асосий омиллар сифатида талқин этилади. Қаҳрамоннинг севгиси ва изтироблари ҳаёт йўлини қайта англаш, ўтмиш билан ҳисоб-китоб қилиш ва воқеликка нисбатан муносабатни қайта белгилаш жараёни билан якун топади. Шу жиҳатдан, мазкур киноқисса нафақат ўзбек адабиётида киноқисса жанрининг такомилени кўрсатади, балки муаллифнинг инсон, муҳаббат ва ҳаёт ҳақидаги чуқур эстетик қарашларини ифода этувчи етук асар сифатида илмий-адабий аҳамият касб этади.

Шу маънода, “Баҳорни қувиб” киноқиссаси хотирани пассив эслаш эмас, балки инсон онгида фаол кечадиган ички жараён сифатида талқин қилади. Асарда хотира инсонни ўтмишга маҳкам боғлаб қўювчи омил эмас, аксинча, уни ҳаётга нисбатан муносабатини қайта кўриб чиқишга мажбур этувчи куч сифатида намоён бўлади. Роҳат опанинг ўтмиш билан юзлашуви орқали Эркин Аъзам инсон ўз ҳаётини қайта англаш, ўтмишни борица қабул қилиш ва унга нисбатан муносабатни қайта белгилаш имкониятига эга эканини бадий асослайди.

Киноқисса жанри нуқтаи назаридан қаралганда, асар композициясининг кадрлар кетма-кетлигига яқин тарзда қурилгани, ички монологлар ва табиат манзараларининг монтаж вазифасини бажариши диққатга сазовор. Асарда вақтнинг парчаланган ҳолда берилиши – ўтмиш, ҳозир ва хотира қатламларининг уйғунлиги киноқисса жанрининг назарий

имкониятларини кенгайтиради. Мазкур киноқисса фақат муайян тарихий давр воқеликларини акс эттирувчи асар эмас, балки инсон хотираси, ўтмиш билан муносабат ва шахсий тақдирни қайта англаш масалалари ҳақидаги универсал бадиий мулоҳаза сифатида ҳам аҳамият касб этади. Асарнинг фалсафий юки ва бадиий ифода имкониятлари уни замонавий ўзбек насридаги энг етук киноқиссалардан бири сифатида баҳолашга асос бўлади. Шу билан бирга, Эркин Аъзам киноқиссаларида жанр поэтикаси фақат композиция ёки баён техникаси билан чекланмай, рамзлар тизими орқали янада чуқурлашади. Чунки айнан рамзлар орқали асарда қаҳрамон ички ҳолати, хотира қатламлари ва вақт муносабати билвосита ифодаланади. Бу эса сюжетни олға суришдан кўра, асарнинг маъно майдонини кенгайтиришга хизмат қилади. Шу жиҳатдан, рамзий деталлар таҳлили киноқиссанинг фалсафий йўналиши ва бадиий тафаккур хусусиятларини янада аниқроқ очиб бериш имконини беради. Бу эса асарни фақат воқеалар кетма-кетлиги эмас, балки маъно қатламлари тизими сифатида ўрганиш заруратини тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аъзам, Эркин. Қарздор / Танҳо қайик: киноқиссалар. – Тошкент: Шарқ, 2017. – 256 б.
2. Аъзам, Эркин. Баҳорни қувиб // Шарқ юлдузи, 2023. – № 6. – Б.37-59.
3. Высочанская А. В. Кинематограф в художественном сознании писателей XX века: дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2018. – 249 с.
4. Зубова О. Поэтика киносценария // Искусство кино, 2003. – № 6. – С.52-53.
5. Ҳасанов Ш. Эркин Аъзамнинг “Паризод”и / Эркин Аъзам ижоди: таҳлил ва талқин (илмий мақола, адабий портрет ва эсселар тўплами). – Тошкент: SANNOF, 2025.
6. Любимов Б. Феномен киноповести // Киноведческие записки, 2007. – №84. – С. 335–360.

7. Норматов У. Янги аср одамлари / Эркин Аъзам бадий олами (илмий мақолалар ва суҳбатлар тўплами). – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2014.

8. Шестакова И.В. Монтажная техника в литературном сценарии В. Шукшина “Живет такой парень” // Вестник КемГУКИ, 2012. – №18. – С.83-89.

9. Totawad Nagnath Ramrao. Film and Literature: An Overview // Epitome International Journal of Multidisciplinary Research. – Vol. 2, Issue 9. – September, 2016. – 149-156 p.